2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 184 (706), 2022 йил 9 сентябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тошкентда Парламентлараро иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 сентябрь куни мазкур саммитда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган хорижий делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

Туркманистон Миллий Кенгаши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедова билан учрашувда у Ўзбекистон Президентига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Миллий Кенгаш Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик алоқаларига асосланган Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг бугунги юксак даражасини катта мамнуният билан қайд этди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро иттифоқ, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги самарали мулоқот доирасидаги сермаҳсул ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди.**

Соҳиба Гафарова самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Суҳбатда олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотларда эришилган келишувларга мувофиқ ҳар томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб, амалий шериклик кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Озарбайжон Президентининг жорий йил июнь ойидаги Ўзбекистонга тарихий ташрифининг сермаҳсул натижалари — иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, барча даражалардаги мулоқот ва гуманитар алмашинувни фаоллаштиришга кучли суръат бағишлади.

Ўзбекистон етакчиси кўп томонлама нуфузли тузилмалар доирасида парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади.

* * *

**Президентимиз Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари Галина Кареловани қабул қилди.**

Россия парламенти раҳбарининг ўринбосари Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путин ва Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенконинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилганини, кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга икки мамлакат парламентларининг яқин ва самарали алоқалари фаол ҳисса қўшмоқда.

Бундай сермаҳсул мулоқотларни, жумладан, кўп томонлама тузилмалар — Парламентлараро иттифоқ ва МДҲ Парламентлараро ассамблеяси доирасида давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро иттифоқ делегацияси — ушбу тузилма раиси Дуарте Пачеко ва бош котиби Мартин Чунгонгни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Парламентлараро иттифоқ билан сермаҳсул ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити муваффақиятли ўтмоқда. Унинг кун тартибидан демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни қўллаб-қувватлашнинг самарали институтларини ривожлантириш, гендер сиёсатни амалга оширишга доир глобал ва минтақавий аҳамиятга эга муҳим масалалар ўрин олган.

Бундан ташқари, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан биргаликда қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди, Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича парламент форуми ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Парламентлараро иттифоқнинг юқори даражали вакиллари Ўзбекистон етакчисига қўшма ташаббусларни илгари суришда кўрсатаётган ҳар томонлама кўмак учун миннатдорлик билдириб, Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Учрашувда барқарор ривожланиш, демократик қадриятларни илгари суриш, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги мақсад ва вазифаларга эришиш, иттифоқнинг Инновациялар маркази билан ҳамкорлик қилиш каби йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

## ХАЛҚАРО САММИТ

# БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪСИРЧАН ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

Пойтахтимиз 8-9 сентябрь кунлари Парламентлараро иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммитига мезбонлик қилмоқда.




Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

**Янги Ўзбекистон самимий ишонч руҳидаги ўзаро ҳамкорлик ва халқаро мулоқотлар замини сифатида довруқ қозонмоқда. Айниқса, бутун дунёни таҳликага солган коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистон илгари сурган минтақавий ташаббуслар, ўзаро боғлиқлик сиёсати, ижтимоий-иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатиш йўлидаги ҳаракатлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилди. Шу тариқа ўзгараётган дунёда “Янги Ўзбекистон руҳи” пайдо бўлди.**

Давоми 2-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**Конституция ҳар бир мамлакат тараққиёти ва халқининг орзу-интилишлари учун асос бўлувчи бош ҳужжат. Шу билан бирга, ўтмиш, бугун ва келажакни бирлаштирувчи дастуриламал ҳамдир. Зеро, Конституциямизда ўзбек давлатчилигининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёт тажрибаси ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаган ҳолда ҳар бир шахснинг, бутун жамият ва давлатнинг орзу-интилишлари ўз ифодасини топган.**

**Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, айнан Конституциямизга таяниб, биз мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар бошладик.**

Давоми 3-бетда

## АГРОТАРМОҚ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАДБИРКОРЛИГИ

## У ҚАНЧАЛИК РИВОЖ ТОПСА, ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ШУНЧАЛИК ОБОД БЎЛАДИ



**Ўзбекистон узоқ йиллик аграр тармоққа ихтисослашиш турғунлигидан саноати жадал ривожланаётган давлатлар қаторига ўтди. Бугун юртимизда қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунинг учун қулай инфратузилма ва бизнес шароити яратиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бера бошлади.**

Президентимизнинг шу йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги очиқ мулоқотида ҳам бу борадаги айрим рақамлар айтиб ўтилди. Жумладан, ўтган йили 96 минг 500 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бир йил давомида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш мақсадида 55 мингдан ортиқ бино ва иншоотлар қурилди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етиб, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга ошди. Пировардида, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 7,4 фоизни ташкил этди.

Давоми 4-бетда

## БУНЁДКОРЛИК



# ИҚТИСОДИЁТ, ҲАРАКАТ ВА ҲАЁТНИ ТЕЗЛАШТИРАЁТГАН ЙЎЛ

Тошкент ер усти ҳалқа метроси навбатдаги босқичининг Қўйлиқ — Қурувчилар йўналишида учта бекатни барпо этиш ишлари якунига етмоқда.

**Энг қулай, хавфсиз ва тезкор транспорт тури бўлган метро йўналишларини қуриш ва ундан мунтазам фойдаланиш ҳар доим ҳам катта маблағ, тажрибали мутахассислар, албатта, замонавий техника-технологияни тақозо этади. Шу боис, бу каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг иқтисодий имкониятлари ҳам юқори бўлиши керак. Зеро, дунёдаги 200 дан зиёд мамлакатнинг 60 дан ортиғидагина метро мавжуд. Мазкур транспорт тури изчил ривожланаётган давлатлар қаторида юртимиз ҳам борлиги унинг иқтисодий салоҳиятидан далолат беради. Инчунин, Президентимиз эътироф этганидек, бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради — ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам.**

Метро қурилишига доир 2017 йилда бошланган йирик лойиҳа ижроси бугун нақадар долзарблиги, қулайлигини исботламоқда, энг муҳими, юртдошларимиз ҳаётини яхшилаб, узоғини яқин қилмоқда. Қисқа фурсатда ер ости метро йўлининг Юнусобод йўналиши ҳамда ер усти ҳалқа метросининг Дўстлик — Қўйлиқ ҳамда Сергели йўналишлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, “Дўстлик-2” ва “Қўйлиқ” станцияларини боғловчи, 11,5 километр масофадаги 7 та бекатдан иборат йўналиш 2020 йил август ойида очилди. Бу йўл 17 дақиқада босиб ўтилади ва кунига 22 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади. Ўша йили декабрда Чилонзор йўлининг узунлиги 6,3 километр бўлган, 5 та бекатдан иборат Сергели тармоғи ҳам ишга тушди.

Мамлакатимиздаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлган ер усти ҳалқа метроси қурилиши босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Тошкент шаҳрида ер усти метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ер усти метро йўналишининг 2-босқичидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Ер усти метросининг “Қўйлиқ” бекатини Сергели йўналиши билан боғловчи бу қисмида 7 та бекат барпо этилади. Улар орасидаги қатнов вақти 13 дақиқадан иборат.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ХАЛҚАРО САММИТ

# БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪСИРЧАН ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ




QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Бошланиши 1-бетда

Бу жараёнда Ўзбекистонга интилиш ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган сиёсатимизга хайрихоҳлик ифодаси кучайди. Парламентлараро иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити МДҲ давлатлари орасида илк бор Ўзбекистонда бўлиб ўтаётгани ҳам шундан далолат.

Халқаро нуфузли тадбирда БМТ, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари, йигирмага яқин давлатдан 120 дан ортиқ парламент вакиллари иштирок этди.

"Парламент етакчилиги: барқарорлик ва фаровонликни янада самарали таъминлашда хавф-хатарларни бартараф этиш ҳолаш" мавзусида ўтказилган саммит аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу нуфузли тадбир иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Саммитни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очар экан, кун тартибидаги барча мавзулар ўта долзарб бўлиб, дунё мамлакатларининг келажак тақдири учун катта аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Парламентлараро иттифоқ раиси Дуарте Пачеко ва бошқалар Тошкент саммити юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

Тадбирда пандемия оқибатида юзага келган жиддий ижтимоий ва иқтисодий инқироз, янги хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича конструктив таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, жаҳондаги нуфузли ташкилотлардан бири ҳисобланган Парламентлараро иттифоқ дунёда демократик жараёнларнинг ривожланиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди. Ушбу халқаро тузилма хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни, мамлакатлар барқарор ривожланишини таъминлаш йўлида миллий парламентлар ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Саммитда бу йўналишда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли парламентаризмни ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш ва жамиятни демократлаштириш борасидаги ишлар ҳам муносиб эътироф этилди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Абира Ҳусейнова. — Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглик бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига мувофиқ иккита қонун, қирққа яқин қонуности ҳужжати қабул қилинди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, самарали парламент назоратини амалга ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини кенг жалб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда аёл сенаторлар ва депутатларнинг иштироки сезиларли даражада ошди. Жаҳон мамлакатлари парламентлари раҳбар аёлларининг навбатдаги саммити Тошкент шаҳрида ўтказилиши давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда хотин-қизларнинг сиёсий иштирокини янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Саммитда пандемиядан кейин глобал тикланишга тўсқинлик қиладиган хавфларни бартараф этиш ҳамда технологиялар билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Жамиятда тенглик, инклюзивлик ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан иқтисодиётни тиклаш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар ҳамда COVID-19 пандемиясидан кейин иқтисодиётни тиклаш бўйича энг яхши амалиётлар муҳокама қилинди.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ ҳолда рақамли иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида технологик инновацияларни рағбатлантириш, миллий ва халқаро миқёсда рақамли тафовутни бартараф этиш учун амалга оширилаётган ташаббуслар, шунингдек, парламентларнинг аёллар ва қизлар ҳуқуқ-эркинликларини интернет оламида тарғиб қилиш ҳамда ҳимоя қилишдаги ҳаракатлари каби масалалар иштирокчилар эътиборида бўлди.

Саммит 9 сентябрь куни ҳам давом этади. Унинг якунида қабул қилинадиган Тошкент декларацияси дунёда барқарорлик, тараққиёт, фаровонликка эришишда муҳим дастуриламал бўлиши кутилмоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ЖАРАЁН

Кўчаларда турли шакл-шамойилдаги, тартибли-тартибсиз ташқи ёзувлар, реклама ва дўконларнинг пешлавҳасига кўзимиз тушади. Реклама материаллари жойлаштирилмаган телевидение, радио, босма нашрлар, ижтимоий тармоқлар йўқ ҳисоби. Хўш, реклама нима учун керак? Нима учун бугунги кунда рекламалар пала-партиш жойлаштирилганига кўп гувоҳ бўляпмиз? Тарқатилаётган рекламаларнинг барчаси талабга жавоб берадими?

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР КЎНГЛИДАГИ ИШ

## Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни бугундан янги таҳрирда кучга кирди

**Гўзал ҚОДИРОВА,**
**Монополияга қарши курашиш қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**

Реклама — товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот. Ишбилармон ва тадбиркорлар рекламага алоҳида аҳамият қаратади. Ва бу орқали маҳсулоти ҳақида кенгроқ оммага маълумот етказиш ҳамда кўпроқ даромад олишга интилади. Лекин реклама тарқатишнинг ҳам қонун-қоидалари, меъёрлари борлиги ҳақида баъзан унутиб қўямиз.

Рекламалар Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни ва 10 га яқин бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бугунгача амалда бўлган 30 та моддадан иборат Қонун 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган бўлиб, 16 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

"Реклама тўғрисида"ги қонунда умумий тусга эга бўлган ва ишламайдиган нормалар мавжуд бўлиб, улар реклама фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган эди. Шунингдек, реклама фаолиятига қўйиладиган талабларнинг етарли эмаслиги, давлат ва нодавлат ташкилотларининг реклама соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланмагани ва қатор ноаниқ меъёрлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган эди.

Кейинги йилларда бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам замонавий технологиялар, янги, креатив реклама ва маркетинг усуллари, реклама ахборотини тарқатиш ва усулларининг ўзгача, яъни қонун билан тартибга солиб бўлмайдиган йўллари ортиб бормоқда.

Табиийки, у анча эскирган, тегишли тузатишлар киритиш вақти келган эди. Шу муносабат билан соҳада муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, истеъмолчиларни нотўғри рекламадан ҳимоя қилиш, реклама бозори иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Жорий йил 7 июнда Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Унда рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатиш соҳасида бир қатор талаблар белгиланди. Қонун 8 та боб ва 53 та моддадан иборат.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда 30 га яқин хорижий давлатлар қонунлари, халқаро ҳужжатлар ва бошқа илмий нашрлар таҳлил қилинди. Ушбу қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, унга реклама тарқатиш тилига оид меъёрлар киритилди.

Шу пайтга қадар амалдаги қонунимизда реклама тилига бўлган талаб мавжуд эмасди. Яъни реклама уни берувчининг хоҳишига кўра, исталган тилда берилиши мумкин эди. Эндиликда рекламани дастлаб давлат тилида бериш қатъий белгиланди ва реклама берувчининг ихтиёрига кўра, бошқа тилларда ҳам айнан қайтарилиши мумкин бўлди.

Масалан, янги таҳрирдаги "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг "Реклама тили" ҳақидаги 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилиши, реклама мазмунининг таржимаси бошқа тилларда такрор берилиши мумкинлиги, бунда асосий маъноси бузиб кўрсатилмаслиги, бошқа тиллардаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами давлат тилидаги матн ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши кераклиги ва бошқа шу каби қатор меъёрлар белгиланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирда қабул қилинган қонун нормаларини қўллашда ноаниқликларга олиб келган айрим тушунчаларга аниқлик киритилди ва янги тушунчалар билан тўлдирилди. Яна бир эътиборли томони, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда рекламага қўйилган талаблар кучайтирилди ва янги нормалар киритилди.

Хусусан, мактаб дарслиги ва дафтарларида реклама жойлаштириш, рекламада нархларни хорижий валютада кўрсатиш, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига зид келувчи шакл, ибора ва образлардан фойдаланиш, товар (иш, хизмат)нинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчидан яшириш, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш кабилар тақиқланмоқда.

Бугундан истеъмолчилар кутган яна бир муҳим тартиб қонуний кучга эга бўлди. Яъни истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлиги билан боғлиқ маҳсулотлар (дори воситалари, биологик фаол озуқавий қўшимчалар, энергетик ичимликлар, халқ табобати маҳсулотлари, тамаки, чилим, алкоголь маҳсулотлари, пиротехника воситалари, қурол-яроғ) рекламасига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилди.

Бу жиҳатлар озиқ-овқат маҳсулотлари зарарсиз ва инсон саломатлиги учун фойдали экани тўғрисида таъкидлаш тақиқлангани, қимматли қоғозлар, молиявий ва аҳолининг пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ хизматларни реклама қилиш тартибга солингани, вояга етмаганларни рекламадан, хусусан, унинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ва рекламада вояга етмаганлар иштирокини чекловчи янги нормалар киритилганида акс этади.

Энди вояга етмаганларни хавфли вазиятларда кўрсатиш, реклама қилинаётган маҳсулотга эга бўлмаслик тенгдошлари ва жамоатчилик орасида камситилишига олиб келиши ҳақида тасаввурни шакллантириш, кундалик овқатланишлар сонини кўпайтиришни ёки асосий озиқ-овқатларни енгил озиқ-овқатлар, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар билан алмаштиришни рағбатлантирувчи рекламаларга йўл қўйилмайди.

Шу муносабат билан айрим ҳолатларда, хусусан, тақиқланган (тамаки, алкоголь, гиёҳванд, наркотик, порнографик, қурол) маҳсулотни реклама қилганлик, нотўғри реклама берганлик, дори, энергетик ичимлик рекламасига қўйилган талабларни бузганлик учун юридик шахсларга молиявий санкция қўллаш белгиланди.

Албатта, ҳар бир реклама қандай йўналишда бўлишидан қатъи назар "Реклама тўғрисида"ги қонун талабларига жавоб бериши шарт. Рекламалар инсон ҳаёти, соғлиғига хавф солмаслиги зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала (меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш) харажатида реклама харажатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш кераккки, тарқатилаётган рекламалар "Реклама тўғрисида"ги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос бўлиши ҳам тадбиркорга, ҳам истеъмолчига фойдали бўлади.

# "ҚЎҚОН" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Истиқлолимизнинг 31 йиллиги Фарғона вилоятида кўплаб замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари ишга туширилгани билан ҳам эсда қоларли бўлди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга кенг шароит яратиб берилаётгани натижасидир.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



"Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди ҳам тадбиркорларнинг катта имконият майдонига айланган. Жумладан, тадбиркор Шавкат Ражепов ташаббуси билан ишга туширилган "MOLLIS" масъулияти чекланган жамияти момиқ сочиқ ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу ерда умумий қиймати 123 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида маҳаллий хомашёдан йилига 100 миллиард сўмлик экспортбоп маҳсулот тайёрланади. Корхонанинг ишга туширилиши ҳисобига 400 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Йил охирига қадар корхонада қўшимча лойиҳалар эвазига ишчилар сонини 2000 нафарга етказиш кўзланмоқда.

Қурилиш саноати учун бурама михлар ишлаб чиқарувчи "Azamat savdo Ziyo" МЧЖ томонидан қуриб битказилган янги тармоқда йилига 3 минг тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Тадбиркор Иброҳимжон Сиддиқов сармояси ва банк кредити ҳисобига ишга туширилган лойиҳа яқин ҳудудларда яшовчи 70 нафардан ортиқ ёшнинг бандлигини таъминлади.

"Avilon Kokand Plus" унитар корхонаси томонидан рўёбга чиқарилган лойиҳа оддий хомашёдан трикотаж матолар тўқиш ва бўяш орқали қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беряпти. Бу ерда 3 минг 990 тонна хом мато тўқиш ва 3 минг 490 тоннасини бўяш учун зарур замонавий жиҳозлар ўрнатилди, 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Тўқилган хом мато ва бўялган маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талаб юқори. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, корхона томонидан ташқи бозорга 7,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имкони мавжуд.



— Тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотлар янги ташаббусларга қанот бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Аваз Абдураҳмонов. — Айниқса, "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида янги лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун яратиб берилган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Йўл, сув, табиий газ, электр таъминоти, божхона, транспорт логистикаси борасидаги имтиёзлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга. Айни кунда иккинчи лойиҳа — полиэфир тола ишлаб чиқариш борасида амалий ишлар олиб боряпмиз. Умумий қиймати 1,42 миллион долларлик мазкур лойиҳа доирасида импорт ўрнини босувчи 3 минг 370 тонна полиэфир тола ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Маҳсулотлар ички бозордан ташқари хорижга экспорт қилинади.

Шу кунга қадар эркин иқтисодий зона ҳудудида ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид 65 та янги лойиҳа ишга туширилиб, 1,45 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 58,8 миллион долларлик маҳсулот эса экспорт қилинди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ушбу лойиҳалар ҳисобига 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди. 32 та лойиҳа бўйича эса тасдиқланган жадвал асосида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Демак, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти янада ортиб бораверади.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ – КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**Рустам ҲОТАМОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи**



**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ИШСИЗЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИДА МОНОМАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. “ТЕМИР ДАФТАР”, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ВА “ЁШЛАР ДАФТАРИ” ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯЛАР 100 ФОИЗ ТЎЛАНИШИГА ЭРИШИЛДИ. УМУМАН ОЛГАНДА, ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШГА БАРЧА АСОСЛАР ЯРАТИЛДИ.**

Бошланиши 1-бетда

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Тараққиётнинг ҳозирги даврида Бош қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келди. Шу боис, конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгани бежиз эмас.

Конституциявий ислоҳотларни амалга оширган мамлакатлардаги ўзгаришлар, асосан, ташқи ва ички таҳдид ҳамда хатарларни инобатга олиб, уларга қарши қаратилган ҳаракатлари билан ўзаро ўхшашлиги кузатилади. Замонавий конституциялар глобаллашув давридан олдин унчалик кўзга ташланмаган атроф-муҳит, гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятли. Шунингдек, асосий қонунларда ахборотлашган жамиятни шакллантириш, шахсий рақамли маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, тўғридан-тўғри электрон демократия ва халқ қонунчилик ташаббуси элементларини жорий этиш каби бошқа замонавий масалалар ҳам акс этган.



**ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА ШУ ВАҚТГА ҚАДАР 16 МАРТА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН БЎЛИБ, УЛАР, АСОСАН, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ. БУ ГАЛ АСОСИЙ ҚОНУНГА КИРИТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР, АСОСАН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕНГРОҚ БЕЛГИЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА. ЗЕРО, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ НЕГИЗИДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ТАМОЙИЛИ ЁТАДИ.**

Ўзбекистон Конституциясига шу вақтга қадар 16 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб улар, асосан, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ. Бу гал Асосий қонунга киритилиши режалаштирилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, асосан, инсон ҳуқуқларини кенгроқ белгилаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Зеро, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг туб негизида инсон қадрини улуғлаш тамойили ётади.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида кенг жамоатчиликдан келиб тушган таклифларнинг аксарияти мазмун-моҳиятига кўра “инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилларини конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган. Шунингдек, ўзгартишлар сифатли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, фуқаролик жамияти институтлари мақомини ва экологик муҳофаза каби масалаларни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ. Бундан ташқари, Конституцияга давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, парламент ваколатларини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари мақомини мустаҳкамлаш, жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини ажратиш, маҳалла институтини янада ривожлантириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Асосий ўзгартиришлардан бири давлатнинг мақомини белгилаш билан боғлиқ нормалардир. Хусусан, 1-модданинг янги таҳририда “Ўзбекистон — суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади”, деган мазмунда баён этилиши таклиф этилмоқда.

Ҳуқуқий давлат — демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат. Қолаверса, қонуннинг бутун давлат ҳудудидаги устуворлиги ҳокимиятлар ваколати бўлиниши, шахс ва давлатнинг ўзаро масъуллиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимояланишидир.

Ҳуқуқий давлатда қонунлар, биринчи галда, шахс манфаатлари устуворлигига асосланади.

Ижтимоий давлат ҳар бир фуқаро учун кафолатланган ижтимоий ёрдам етиб борадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга алоҳида ёрдам кўрсатиладиган, умумфаровонлик ва умумижтимоий бирлик таъминланган халқпарвар давлатдир. Бундай давлатда ижтимоий адолатни ҳар ким ҳар доим ҳис қилиши устувор аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилмоқда. Хусусан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Ишсизликни бартараф этиш мақсадида мономарказлар фаолияти йўлга қўйилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий қилинди. Ишлаётган пенсионерларга пенсиялар 100 фоиз тўланишига эришилди. Умуман олганда, Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилишга барча асослар яратилди.

Ижтимоий давлатнинг асосий функциялари ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши курашиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадлари доимий ўсишини таъминлашга кўмаклашиш кабилардан иборат. Ижтимоий давлатда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни барқарорлаштириш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Дунёвий давлат — давлат ҳокимияти ва бошқарувдан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки фуқаролик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянилмайдиган давлат. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканини тавсифлайди. Дунёвий давлатда фуқароларнинг виждон эркинлиги тўла кафолатланади ва таъминланади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўртинчи йўналишида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Стратегиянинг 43 та мақсади бевосита ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасини кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бош қонунимизга киритилаётган асосий ўзгартиш ва қўшимчалар инсон ҳуқуқларини янада кенг белгилаш ва кафолатлашга йўналтирилган. Муҳим жиҳати, давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш билан боғлиқ мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, Асосий қонуннинг 13-моддасига “Инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир” ҳамда 43-моддасига “Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир”, деган нормалар киритилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Унга кўра, энди давлатнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш ҳисобланади. Давлат ва жамиятнинг барча саъй-ҳаракати ва имкониятлари инсон манфаатларини ифодалаш учун йўналтирилади.

Конституциянинг 13-моддасига инсон ҳуқуқлари устуворлиги билан боғлиқ энг муҳим қоидалар киритилмоқда. Яъни қонунларнинг маъноси, мазмуни ва қўлланилиши инсон ҳуқуқларидан келиб чиқиб белгиланади. Содда айтганда, инсон ҳуқуқлари қонун ҳужжатларидан эмас, қонун ҳужжатлари инсон ҳуқуқларидан келиб чиқиб белгиланади.

Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилик ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши тўғрисидаги қоида киритилиши ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлигига хизмат қилади. Солиқ, божхона, тадбиркорлик, таълим, пенсия таъминоти, фуқаролик каби ҳаётий масалаларда қонуний ечими йўқ низоли ҳолатлар ёки тушунмовчиликлар келиб чиқадиган бўлса, улар инсон фойдаси ва манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Мазкур моддада инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши тўғрисида киритилаётган янги қоидага кўра, тегишли қонун ёки қонуности ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқларига оид нормалар истисносиз амалга оширилади.



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Конституциянинг 15-моддасига “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади”, деган норма киритилиши миллий қонунчилигимизни тубдан такомиллаштириш сари яна бир муҳим қадам бўлади. Зеро, Асосий қонундаги нормалар уларни қўллаш тартибини белгиловчи ва ривожлантирувчи алоҳида қонунчилик ҳужжатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, тўғридан-тўғри амал қилиши лозим.

Бу қоиданинг жорий этилиши инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки Асосий қонунда инсон ҳуқуқларига оид нормалар бу борада қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинсагина амал қилар эди. Энди тегишли қонунчилик ҳужжатлари бўлмаган тақдирда ҳам инсон ҳуқуқларига оид нормалар тўғридан-тўғри амал қилади.

Асосий қонуннинг 20-моддасига инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонун билан чекланиши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилиши ҳуқуқий давлатга хос бўлган энг муҳим қоида.



Шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонун билан чекланиши мумкинлиги тўғрисидаги қоиданинг жорий этилиши инсон ҳуқуқларини қонуности ҳужжат билан чеклайдиган, идоравий манфаатларга асосланган салбий амалиётга барҳам беради.

Ушбу моддада инсон ҳуқуқларини чеклаш асослари айнан нималардан иборат экани белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини ва тартибини таъминлаш учун зарур бўлган доирада чекланиши мумкин. Мазкур норманинг аҳамияти шундаки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари турли важлар ҳамда зарурациз чекланишига йўл қўйилмайди.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ХАЛҚНИНГ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ УНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ ОМИЛДИР. БИНОБАРИН, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТНИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ФИКРИ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ АСОСИДА РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРСАК, БУ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ — ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛАДИ.**

Конституциянинг 25-моддасига “Хабеас корпус” институти ва “Миранда қоидаси” талаблари киритилиши шахсни жиноят содир этишда гумонланувчи сифатида ушлаш чоғида ҳуқуқларини кафолатлаш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, ички ишлар органлари ходимлари зиммасига ҳам масъулият ва мажбуриятлар юклайди.

“Хабеас корпус” институтига кўра, шахс суд қарор қабул қилмагунича қирқ саккиз соатдан кўп муддат ушлаб турилиши мумкин эмас ва уни ушлаб туриш учун асослар исботланмаса, дарҳол озод қилиниши керак. Шунингдек, “Миранда қоидаси”га асосан, шахсга уни ушлаб туриш чоғида ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари тушунарли тилда тушунтирилиши зарур.

Шахс жиноят содир этишда гумонланиб ушланган вақтда кўпинча айбловнинг моҳиятини тушунмайди ва ўзини йўқотиб қўяди. Шу сабабли, ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани тўғрисида тушунтириш бериш тергов ва суд жараёнида шахс ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Конституциянинг 26-моддасида айбсизлик презумпцияси янада кенгайтирилмоқда. Энди айбдорликка оид шубҳалар уларни бартараф этиш имконияти бўлмаса, шахснинг фойдасига ҳал қилинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч бир шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги тўғрисидаги қоида эса яқин қариндошларни бир-бирига қарши гувоҳлик бериш мажбуриятидан халос этади ва оилавий қариндошлик ришталари бузилмаслигини кафолатлайди.

Мазкур 26-моддага халқимизни узоқ йиллар мобайнида қийнаб келаётган адолатсиз амалиётга барҳам берадиган яна бир норма киритилмоқда. Унга кўра, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмайди. Яқин қариндоши судлангани учун ишга кириш ёки лавозимда кўтарилишдаги сунъий тўсиқлар олиб ташланади.

Асосий қонуннинг 28-моддасига киритилаётган нормага асосан, республика ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахс мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур норма ҳам “прописка” билан боғлиқ инсон ҳуқуқларини камситувчи амалиётга барҳам бермоқда. Айнан “прописка” муаммоси сабаб кўпгина малакали кадрлар ўз соҳасини тарк этишга мажбур бўлар, уларнинг аксарият ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари “прописка”га боғлаб қўйилган эди. Энди бундай муаммолар бўлмайди. Фуқароларнинг ўз ватани бўйлаб эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланади.

Конституциямизда фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланмоқда. Хусусан, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, муносиб иш ҳақи олиш, кексалик ёшида, меҳнат лаёқатини йўқотганда, ишсизликда, ногиронликда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва бошқа ҳолларда давлатдан ижтимоий ёрдам олиш, кафолатланган ҳажмда бепул ва сифатли тиббий ёрдам, тиббий хизматдан фойдаланиш, хавфсиз, қулай атроф-муҳитга эга бўлиш каби ҳуқуқлари янада кенгроқ белгилаб қўйилмоқда.

Мамлакатимизда халқимиз билан бамаслаҳат амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар жамиятимизда эришилган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлаш, “Инсон қадри учун” тамойили асосида турмуш фаровонлигини ошириш, миллий давлатчилигимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Конституциявий ислоҳотларда халқнинг фаол иштирок этиши унинг муваффақиятини таъминлашда асосий омилдир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади.

БУНЁДКОРЛИК



# ИҚТИСОДИЁТ, ҲАРАКАТ ВА ҲАЁТНИ ТЕЗЛАШТИРАЁТГАН ЙЎЛ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлиқ — Сергели йўналишида ҳаракатланадиган автомобиллар сони кунига 32 мингтагача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши учун имконият яратилади.

Президентимиз жорий йилнинг 6 июнь куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан яқиндан танишганда, унинг мустаҳкамлигига, метрода, бекатларда одамлар учун замонавий, электрон хизматларни кўпайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис, қурувчилар ушбу йирик лойиҳани ҳар томонлама пухта ўйланган режага таянган ҳолда, халқаро талаблар асосида барпо этмоқда.

— Айни кунда бешта бекатда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Азиз Абдиев. — Жумладан, белгиланган жами 285 та хандақдан 263 таси, бир ярусли 285 та пойдевордан 255 таси, икки ярусли 285 та пойдевордан 248 таси, уч ярусли 285 та пойдевордан 245 таси, 285 та темир-бетон кўндаланг устундан 233 таси, темир-бетон кўндаланг ригеллар ва балкаларнинг эса 70 фоизи ўрнатилди.

Қўйлиқ бозоридаги 7-бекатдан кейинги 8, 9 ҳамда 10-бекатлар Миробод ҳамда Сергели туманларидан ўтган Тошкент ҳалқа йўлида жойлашган. Айни пайтда мазкур масофада қурилиш жараёнининг барча темир-бетон ишлари тугатилиб, рельслар тўлиқ ўрнатиб бўлинди. Қўйлиқ-1 мавзесида жойлашган саккизинчи бекатдаги йўлнинг ўнг томони кўп қаватли аҳоли турар жойлари бўлса, чап томони хонадонлардан иборат. Мазкур ер усти бекатидаги асосий ишларнинг қарийб 90 фоизи бажарилди. У икки қаватли бўлади, биринчи қаватда электр энергияси, алоқа тизими ҳамда ёнғин хавфсизлиги махсус хоналари, шунингдек, тиббиёт пункти ва кассалар жойлашган. 2-қаватдаги перроннинг умумий узунлиги 105 метр бўлиб, қурувчилар бу ердаги барча ишларни тугаллаш арафасида.

9-бекатда ҳам асосий қурилиш ва пардозлаш ишлари якунига етяпти. Биринчи қаватдаги хизмат кўрсатиш хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилган, 2-қаватдаги перрон қисмини пардозлашда замонавий ва мустаҳкам, узоқ муддатга чидамли мармардан, том қисмида эса иқлимимизга мос, иссиқ ва совуқдан сақловчи қурилиш маҳсулотларидан самарали фойдаланилмоқда. Бекат атрофи ободонлаштирилиб, манзарали дарахтлар экилган, йўлаклар кўркам тошлар билан безатилган. Ушбу йўналишнинг Сергели туманидаги Қўйлиқ-7 мавзесида жойлашган 10-бекатида ҳам сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Бекатларнинг меъморий қиёфаси бир-бирини такрорламайди. Дизайни, қурилиш маҳсулотлари тури ва рангида ҳам фарқ бор. Уларнинг ҳаммасига замонавий лифт ва эскалаторлар ўрнатилмоқда.



> ДУНЁДАГИ 200 ДАН ЗИЁД МАМЛАКАТНИНГ 60 ДАН ОРТИҒИДАГИНА МЕТРО МАВЖУД. МАЗКУР ТРАНСПОРТ ТУРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДА ЮРТИМИЗ ҲАМ БОРЛИГИ УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.



Ер усти метро йўналишининг 2-босқичидаги қурилиш ишлари жорий йил охирига қадар якунланиши белгиланган. Айни пайтда қурилиш ишларига 110 та техника, машина ва механизм ҳамда 2 минг 650 нафарга яқин малакали муҳандис ва ишчи-ходим жалб қилинган. Уларга маиший шарт-шароитлар яратилиши баробарида меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Қурилиш иншоотлари зарур маҳсулот ва материаллар билан ўз вақтида таъминланяпти. Бажарилаётган ишлар сифати тегишли инспекциялар томонидан назоратга олинган.

Ушбу йўналиш ишга тушиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан ортади, бекатлар сони эса 50 тага етади. Метрода кунлик йўловчи ташиш ҳажми 600 минггача ошади, 245 та янги иш ўрни яратилади. Натижада метро ҳаракати таннархи, аҳолининг жамоат транспортига харажати ва кутиш вақти сезиларли қисқаради. Шаҳарга кириб келувчи енгил автомобиллар сони 97 мингтагача, магистрал кўчаларда тирбандлик 10 фоизгача камайишига имконият туғилади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

АГРОТАРМОҚ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАДБИРКОРЛИГИ



## У ҚАНЧАЛИК РИВОЖ ТОПСА, ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ШУНЧАЛИК ОБОД БЎЛАДИ

**Рустам ҲАСАНОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари учрашувда бизнес вакилларида ечимини кутаётган кўплаб масалалар йиғилиб қолганига алоҳида эътибор қаратиб, уларни самарали ҳал этиш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича 5 йўналишда ташаббусни илгари сурди.

Албатта, корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, яъни корхоналарни йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратиш, тадбиркорлар фаолиятини молиялаштиришнинг қулай тизимини яратиш, уларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳудудларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш ҳамда уларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилиш ташаббуси мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ҲАМ УШБУ СОҲАНИ КЕЙИНГИ 5 ЙИЛЛИКДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ. ХУСУСАН, ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ 30-МАҚСАДИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСДА ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР ДАРОМАДИНИ КАМИДА 2 БАРАВАР ОШИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШИНИ КАМИДА 5 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон саноатлашиш йўлида. Ва уни жадал ривожлантириш учун бор куч ва имкониятлар ишга солиняпти. Лекин бир нарсани унутмаслик лозимки, саноат ривожи қишлоқ хўжалиги соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилади, дегани эмас. Бинобарин, аграр тармоқ саноат учун хомашё етказиб беришда муҳим ҳисобланади.

Шу боис, соҳанинг барча тармоқлари энг сўнгги технологиялар ёрдамида замон талаблари асосида ривожлантириляпти. Маҳаллий иқлим шароитимизга мос серҳосил навлар яратишдан тортиб, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, экспорт қилиш бўйича кўрилаётган чоралар туфайли қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Буни ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотнинг 27 фоизидан кўпроғини, бандликнинг деярли 26 фоизини таъминлаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу соҳани кейинги 5 йилликда жадал ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 30-мақсадида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда аграр тармоқнинг иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тутган ўрни ҳамда навбатдаги 5 йиллик учун белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжлари асосида ривожланиб борадиган анъанавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан замонавий ва самарали агробизнесга ўтиш қўллаб-қувватланмоқда. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инновацион ривожлантириш, янги технологияларни кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда.

Кўзланган мақсадларга эришишда, аввало, соҳанинг ўзагини ташкил этувчи кластерлар ва фермерлик фаолияти ривожи муҳим аҳамиятга эга. Бу борада сезиларли ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Жумладан, юртимизнинг деярли барча ҳудудларида маҳсулот етиштиришдан тортиб то ундан тайёр ҳолда ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ занжирни қамраб олувчи кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Юртимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 107 мингдан ошди. Бу 2017 йилга нисбатан 40 фоиз кўп, дегани.



Фикримизни фермерлик ҳаракати мисолида давом эттирадиган бўлсак, фермер хўжаликлари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. 2021 йилда улар ялпи дон ҳосилининг 81,1 фоизини, картошканинг 23,2 фоизини, сабзавот маҳсулотларининг 36,5 фоизини, меваларнинг 42,2 фоизини, узумнинг 43,3 фоизини, полиз экинларининг 51,1 фоизини етиштирди. Сўнгги 5 йилда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга ошди.




Кейинги йилларда фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жумладан, соғлом рақобат муҳитини яратиш, иқтисодий фаолият эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш борасида қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни янада ривожлантириш, шунингдек, унинг даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган кучга айлантириш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш сифати ва даражаси ортиб боришига эришилди.

Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жамғарма бугунги кунда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, фермер хўжаликларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари янги турларини етиштиришни рағбатлантириш, шунингдек, соҳага янги самарали технологияларни жорий этишга кўмаклашиб келмоқда.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби тизимини тубдан такомиллаштириш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни яхшилаш мақсадида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари қошида хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

2017 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари тармоқларини кенгайтириш, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланадиган кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш жараёни фаоллашди. Ушбу саъй-ҳаракатлар қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлигини таъминлаш, бозорларни зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишнинг асосий омили бўлди.

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги "Ғалла етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан қишлоқ хўжалигида бозор механизмининг кенг амал қилишини таъминлашга қаратилган дастлабки қадам ташланди. Ғалла етиштиришни эркинлаштириш, бозор механизмини тўлақонли жорий этиш фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш учун иқтисодий рағбатни кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий самарадорликни ошириш имконини беради.

2020 йилда мамлакатимизда ўртача дон ҳосилдорлиги гектаридан 57 центнерни, 2021 йилда эса 64 центнерни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 67-70 центнерга етди.

Сўнгги 3 йилда ҳудудларда 160 миллион тоннага яқин қувватга эга йирик хусусий дон корхоналари ишга туширилди. Бу орқали соҳада хусусий сектор улушининг ортиб бориши таъминланмоқда. Биргина ўтган йили юртимизда ишлаб чиқарилган 3,5 миллион тоннага яқин уннинг 54 фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Давлат томонидан 1 тонна буғдойнинг энг кам харид нархи ўтган йилги 1,5 миллион сўмдан 2022 йил ҳосили учун 3 миллион сўмгача, яъни деярли икки бараварга оширилди. Ўз вақтида қабул қилинган қарор самарасида ғаллакорларимиз катта манфаат кўрди.

Навбатдаги долзарб вазифа — пахта хомашёсини етиштиришда бозор механизмини жорий этиш, пахтачилик соҳасида кластерлар фаолиятини янада такомиллаштириш, пахта хомашёсини сотиб олишда кластерлар ва давлат кафолатларини таъминлайдиган тизимни жорий этиш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш, умуман, аграр тармоқни ривожлантириш озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётда соҳа улушини ошириш билан бир қаторда, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ — КЕЛАЖАККА ИНВЕСТИЦИЯ



**Ботир ЭЛОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири**

**Замон билан ҳамқадам одимлашни тақозо этаётган бугунги давр — рақамли технологиялар асри. Дастлаб янги тушунча сифатида қаралган ёндашув ҳозирда ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, нафақат кундалик фаолиятимиз, балки барча соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.**

Ўзбекистонда “Рақамли иқтисодиёт” миллий тараққиётимизнинг асосий драйвери сифатида белгилаб олингани бежиз эмас. Бу борада барча соҳа ва ҳудудларда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга киришилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш, уларнинг ўз интеллектуал билимини намоён қилиши, аналитик фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар бажариляпти. Таъкидлаш керак, дунё мамлакатлари тажрибасида илмий тадқиқотлар, IT технологиялар, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилади. Юртимизда ҳам барча соҳалар илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали жадал ўсмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг олий таълим муассасаларига рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш ҳақидаги топшириғи бизни айни соҳада янада кўпроқ ишлашга, янги ғояларни илгари суришга ундайди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йилда илгари сурилган “Рақамли университет” лойиҳаси том маънода ОТМлардаги фаолиятни қулайлаштирди. Лойиҳа доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” — (HEMIS — Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилди. Ушбу ахборот тизими “Маъмурий бошқарув”, “Ўқув жараёни”, “Илмий фаолият”, “Молиявий бошқарув ва статистика” ахборот тизимларини ўз ичига олади.

Бу тизим талаба учун ҳам, таълим берувчи учун ҳам бирдек қулай. Яна бир жиҳати баҳолаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқ. Бу ўқув жараёнида олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштиришга имкон яратиб келмоқда.

Электрон ҳукумат концепциясига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан такомиллаштирилаётган смарт-университет лойиҳаси саналган бу тизим Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ишчи гуруҳи саъй-ҳаракати билан юртимиздаги барча ОТМларда жорий этилмоқда. HEMIS — электрон университетнинг муҳим компоненти сифатида кредит-модуль тизими билан интеграция қилинган. Дастур ўз ичига электрон дарс жадвали, баҳолаш тизими, академ гуруҳларни назорат қилиш имконияти ва ҳужжат алмашишдаги қулайликларни жамлаган. Бу эса иш самарадорлигининг ошишига ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Энг асосийси, дастурнинг функционал имкониятлари йилдан-йилга такомиллашиб боради.

Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам турли мос соҳаларни рақамлаштириш жараёни давом этмоқда. “Рақамли университет” тизими босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Ўқитиш жараёни “фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси” тамойили асосида ташкил этилиб, талабалар умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига бириктирилади.

Университет жамоаси олдидаги устувор вазифаларни бажаришда информацион технологиялар имкониятларидан унумли ва самарали фойдаланиб, катта натижаларга эришиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Унга кўра, университет ўз таълим йўналишларига мос соҳаларнинг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш, дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон луғат дастурлар ҳамда хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш каби аниқ вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, 2019 йилда университетда Компьютер лингвистикаси ва рақамли технологиялар кафедраси, 2020 йилда Компьютер лингвистикаси магистратура йўналиши ташкил этилди. 2021 йилда эса кафедра ҳузурида Компьютер лингвистикаси илмий-тадқиқот маркази фаолият бошлади. Ушбу марказ филологик масалаларни моделлаштириш, уларнинг маълумот ва билимлар базасини яратиш, тадқиқ этиш имконини беради. 2021 йилнинг ўзида Компьютер лингвистикаси бакалавриат йўналишига талабалар қабул қилинди.




> **ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН “РАҚАМЛИ УНИВЕРСИТЕТ” ЛОЙИҲАСИ ТОМ МАЪНОДА ОТМЛАРДАГИ ФАОЛИЯТНИ ҚУЛАЙЛАШТИРДИ. ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА “ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИ” — (HEMIS — HIGHER EDUCATION MANAGEMENT INFORMATION SYSTEMS) ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

## Кўриш имконияти чекланганларга қулайлик яратган дастур

IT соҳасининг филологияга мос тармоқлари бўйича маҳаллий ва халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, истиқболли йўналишларга грант маблағларини жалб қилиш борасида ҳам университетда комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, филология фанлари доктори Мунаввара Қурбонова раҳбарлигида амалга оширилаётган лойиҳа орқали кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезатори ишлаб чиқилган. Бу кўриш имконияти чекланган инсонлар учун катта қулайликлар яратади. Ушбу дастур Ўзбекистон Ихтирочи аёллари уюшмаси томонидан ўтказилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши лойиҳаси” Республика танлови ғолиби бўлди.



Университет олимлари ва тадқиқотчилари томонидан амалга оширилаётган “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш”, “Туркий тилларнинг лингводидактик электрон платформасини яратиш”, “Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш”, “Bolalar adabiyoti.uz электрон платформа ва унинг мобиль иловасини яратиш” сингари лойиҳалар эса кўплаб муаммоли масалаларга ечим бўлиши кутилмоқда.

## Глобал тармоқда ўзбек тилидаги иборалар салмоғи ортди

Жорий йилда университетда жаҳон глобал тармоғида ўзбек тилидаги материаллар сони ва сифатини ошириш, ўзбек миллий ўзига хослигини ифодаловчи тушунчаларнинг батафсил изоҳини тармоққа жойлаш бўйича “Ўзбек миллий маданиятига хос атамаларга оид мақолалар базасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа иш бошлади. Бу лойиҳа миллий тилимизнинг нуфузини янада ошириш ва халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишда жаҳоннинг номдор ОТМлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Туркиянинг Босфор университети, Истанбул Техника университети, Литванинг Витаутас Магнус университети, Россиянинг Қозон федерал университети шулар жумласидан. Университетда Ахборот-қидирув тизимлари (Google, Yandex, Google translate) учун автоматик ишлов бериш воситаси — ўзбек тилининг морфолексикони ва морфологик анализатори дастурий воситасини яратиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа айнан хорижий тажрибаларни миллий тадқиқотларда қўллашни талаб этади.

Амалга оширилган ва оширилаётган ишлардан англаш мумкинки, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, янги дастурий воситалар таълим муассасалари салоҳиятининг юксалишига асос бўлмоқда. Демак, бу жараёнда IT-хизматларининг аҳамияти ортиб бораверади, янгидан-янги технологияларни татбиқ этиш янада изчил изланишни ва доимо бир қадам олдинда юришни талаб этаверади. Тез ривожланаётган соҳаларда ҳам тараққий этган давлатлар билан ҳамқадам бўлиш, улардан ғоялар, технологиялар ва ноу-хау импорт қилиш, ўз навбатида, ёшларни жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш ҳар бир ОТМ олдидаги устувор вазифадир.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичига чиқишда олий таълим тизимини ривожлантириш орқали жамият ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб борадиган кадрларни тайёрлаш ва сафарбар қилиш, талаб юқори бўлган IT соҳасининг илм-фан тармоқлари билан интеграцияси жараёнини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бугунги кун талаби. Мазкур лойиҳа ва саъй-ҳаракатларнинг бари мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, бу орқали аҳоли фаровонлигига эришишни таъминлашга хизмат қилади.

САЛОМАТЛИК

# РЕАБИЛИТОЛОГИЯ ВА СПОРТ ТИББИЁТИ СОҲАДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШ



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрелдаги қарори билан қарийб бир асрлик тарихга эга Самарқанд давлат тиббиёт институти Самарқанд давлат тиббиёт университети этиб қайта ташкил этилди.

**Қарорда муассасада юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, ҳудуд аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар қаторида реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш белгиланган. Шу мақсадда Самарқанд тумани Ўрташиқ қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти саломатликни тиклаш шифохонаси негизида университет ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш қайд этилганди.**

— Ушбу институтнинг ташкил этилгани бугун мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси, қолаверса, жамият ҳаётида реабилитология ва спорт тиббиётининг долзарб масалалари вужудга келаётгани билан боғлиқ, — дейди Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори Жасур Ризаев. — Муассаса ўз йўналиши бўйича даволаш-профилактика ва илмий-услубий фаолият олиб борувчи ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи ташкилот бўлади. Замонавий талаблар ва стандартлар асосида диагностика ҳамда даволашнинг янги самарали услубларини ишлаб чиқади ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этади. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва беморларни даволаш шакллари ҳамда методларини такомиллаштиради. Хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширади. Жумладан, ички аъзолар, юрак-қон томир, асаб ва таянч-ҳаракат тизимида касаллик ва турли жароҳат асоратлари мавжуд, ногиронлиги бўлган шахсларда реабилитация қилишнинг индивидуал дастурларига мувофиқ тиббий, ижтимоий-касбий, ижтимоий, психологик ва касбий реабилитация чоралари қўлланади. Бунда хориж тажрибаси, замонавий технологиялар ҳамда иш услубларидан фойдаланилади. Бу борада университетимизнинг хорижий давлатлардаги ҳамкорлари бўлган олий таълим муассасалари ва тиббий марказлари билан биргаликда иш олиб борилади.

Шу пайтгача мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари, реабилитация марказларида, асосан, ногиронлик ва ногиронликка олиб келувчи хасталикларни даволаш, унинг асоратларини камайтиришга кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда. Янги илмий-тадқиқот институтида ногиронликни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни илмий асосда ўрганиш, эрта аниқлаш чоралари кўрилади. Бу орқали юзага келиши мумкин бўлган ногиронлик ҳолатларининг олдини олиш, аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ошириш мумкин.

Спорт тиббиёти соҳасида ҳам пойтахтимиздаги шу тизимга тегишли баъзи муассасаларда муайян тадқиқотлар, амалий ишлар олиб борилаётган бўлса-да, айни чоғда мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини ошириш ва кенг ривожлантиришга қаратилган эътибор билан қиёслаганда, бу ишларимиз етарли эмас. Шу жиҳатдан янги институт спорт турларидан келиб чиққан ҳолда юзага келиши мумкин бўлган патологияни даволаш ва олдини олишнинг илғор услубларини, спортчиларнинг тиббий назоратини ҳисобга олган ҳолда уларнинг функционал аҳволини диагностика ва коррекция қилиш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, спортчиларга тиббий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутади. Бу йўналишда институт томонидан ҳар бир спорт тури бўйича спортчиларни тайёрлашнинг якка тартибдаги дастурлари ишлаб чиқилади. Спортчиларнинг физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, овқатланиш рационидан бошлаб қайси даврда қандай дори воситаларини ёки тиббий муолажаларни қабул қилишигача таҳлил этилади ва жараёнга илмий ёндашилади. Спортда орттириладиган жароҳатлар, патологиялар ва турли синдромларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ҳамда даволаш чоралари кўрилади.

Бугун дунё миқёсида спортчиларнинг турли дори воситаларини қабул қилиши муаммоли масалалардан бўлиб турибди. Айрим спортчилар бундай воситаларни атайлаб қабул қилса, баъзилари билиб-билмай истеъмол қилиши мумкин. Яна айрим озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида допинг келиб чиқишига асос бўлувчи моддалар учрайди. Айнан шу каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳам янги ташкил этилаётган институт мамлакатимиз спортчилари ва мураббийларига ёрдам беради.



Умуман, Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйишда шу ва бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган дастур, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу борада хориж тажрибаси ўрганилди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шаҳардан четда, аниқроғи, Самарқанд туманидаги Ўрташиқ қишлоғида ташкил этилган ва кейинги йилларда вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси сифатида фаолият олиб борган 50 ўринли муассасада айни пайтда стационар бўлим, физиотерапия, неврология ва бошқа бўлимлар мавжуд. Невропатолог, терапевт, травматолог-ортопед сингари элликдан ортиқ малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқда.

— Кейинги йилларда муассасамиз салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди, — дейди Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти директори вазифасини бажарувчи Фарҳод Ботиров. — Бунда Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳамкорлик ижобий натижа берди. Шифохонада 2020 йили университетнинг Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти фаолият олиб боргани терапевтик, неврологик, травматологик-ортопедик хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширди. Шунингдек, илмий салоҳиятимиз юксалди. Шифохона негизида Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилгани эса фаолиятимизни тубдан такомиллаштириш ва янгича асосда иш олиб боришга катта туртки бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, университет раҳбарияти томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, институт базасида Самарқанд давлат университетининг тиббий реабилитация ва спорт тиббиёти ҳамда халқ табобати кафедраси фаолият юритмоқда, шунингдек, травматология ва ортопедия кафедралари ташкил этилмоқда. Янги очилаётган клиник психология ҳамда биоинженерия ва тиббий технологиялар таълим йўналишлари фаолияти институт билан интеграция қилинади. Келгуси уч йилда институтнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, бино ва иншоотлари капитал таъмирланади. Кичик ортопедик операцияларни ўтказишга мўлжалланган операцион блок ва замонавий лаборатория ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун янги институт фаолиятини янгича асосда йўлга қўйиш учун амалий ишлар бошланган. Бу яқин орада ўз ижобий натижасини бериши шубҳасиз.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**журналист**

БОҚИЙ МЕРОС



# МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗНИНГ МУҲТАШАМ ТИМСОЛИ

**Саид Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,**
**ҳуқуқ фанлари доктори, профессор**

**Ўтмишда мустабид тузум назариётчилари ўзбек халқи учун “янги тарих”, “янги тил”, “янги маданият” ва ҳатто “янги қадриятлар” яратмоқчи бўлди. Уни кўп минг йиллик порлоқ тарихидан, миллий ва маънавий қадриятларидан ажратиб, миллий ҳувиятини (ўзлигини) бузиб, ўтмиши ва барча моддий-маънавий ёдгорликларини инкор этиш даражасигача олиб боришни режалаштирди.**

**140 йиллик оқ ва қизил империя даврида ўзбек миллати тарихини воқеликдан узоқлаштириб ёзиш ва талқин қилиш учун бир сунъий мактаб яратилди. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи қисман ана шу мактаб кўрсатмалари асосида ёзиб келинди.**



Ҳар бир давлатда илмий юксалиш иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш билан уйғунлашиб ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда жамият ҳаётида мувозанатсизлик юз беради. Ўзбекистонда тарихчилик ушбу диалектик уйғунликдан узоқлашиб, тарих фани давр тақозоси ва мустақиллик талабларига жавоб беролмай қолди. Бора-бора бу масала мустақиллик даври бошланишида ҳам ўз ечимини топмаган мураккаб бир муаммо бўлиб қолаверди.

Истиқлол эълон қилинганидан сўнг мустақил Ўзбекистон давлати томонидан ушбу тарихий заруратга кўра соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказилди. Мазкур суҳбат жараёнида Ўзбекистон тарихчилари ҳозиргача ҳам совет тарихчилиги мактаби яратган ғоявий кишанлардан қутула олмагани таъкидлаб ўтилди.

Мулоқот жараёнида тарихчилардан сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган ўзбек давлатчилиги негизи ва тарихий ғоялари исботлаб берилиши сўралди, ҳар бир тарихчи сиёсатчи бўлиши кераклиги урғуланиб, бу соҳада замонавий довюрак олимлар тарбиялаш учун мактаб яратиш кераклиги таъкидланди.

Ўртага ташланган масалалар, дарҳақиқат, инкор этиб бўлмайдиган аччиқ воқеликлардан бошқа нарса эмас эди. Асосий мақсадлардан бири эса Ўзбекистон тарихшунослигини собиқ совет дунёқараши кишанларидан озод қилишга чақиришдир. Ҳақиқатни кўриш йўлида ғов бўлиб турган қора пардани йиртиб ташлаш керак. Бундай қалин парда ортидан туриб воқеликни кўриш, бошқаларга кўрсатиш ва ҳақиқатни англатиш эса имконсиз эди.

Асосан, ўлка ва миллат тарихини ўрганиш учун асл манбаларни текшириб, тарихий ҳақиқатларни улардан қидириб топиб, исботлаб бериш керак. Ҳар бир фаннинг ўзига хос манбалари бор. Ижтимоий фанлар ва бошқа фанлар тарихини, айниқса, тарих фанини унга тегишли манбаларга таянмасдан илмий услубда ўрганиш мумкин эмас. Лекин қайси манбалар асосида ўрганиш керак? Советизм ғояларига асосланиб ёзилган асарлар ҳеч қачон ўзбек миллати ва унинг давлатчилиги тарихини тўла ва тўғри акс эттира олмаслиги аниқ. Чунки кўп ҳолларда бундай асарлар муайян сиёсий мақсад, яъни советлар ҳокимиятини кўкларга кўтариш билан бирга, миллатларнинг миллий ғурурини синдириш, ўзлигидан узоқлаштириб, уларни манқуртга айлантириш ниятида ёзилган.

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини илмий асосда ўрганиш бўйича асосий амалий қадамлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилди. Унинг жасоратли ташаббуси билан бу соҳада анчадан бери тўпланиб қолган муаммоларга ечим бўладиган муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Шунингдек, айни жараённи тарғиб қилувчи “Ўзбекистон тарихи” телеканали фаолиятининг йўлга қўйилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди. Мазкур телеканалда ўзбек халқининг порлоқ ўтмиши, тарих давомида кўрган яхши-ёмон кунлари, душманларга қарши олиб борган қаҳрамонларча курашлари, илму маърифат соҳасида эришган ютуқлари, жаҳон маданиятига қўшган катта ҳиссаси борасида салоҳиятли олимлар ва мутахассислар ўз мулоҳазаларини билдириб келмоқда.

“Ўзбекистон тарихи” телеканалига асос солиниши бир инқилобий қадам сифатида қора пардалар ортида яширилган халқимизнинг чексиз моддий ва маънавий ифтихорга тўлган ўтмишини кўриш учун очилган бир дарча бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан тантанали маросимда сўзлаган нутқида иккита муҳим ҳақиқатга ишора қилиб, “Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб энг йирик тиллардан биридир. Дунё миқёсида ўзбек тилида 50 миллионга яқин одам сўзлашади”, деганида нақадар ҳақ гапни айтди. Шунингдек, у “Биз буюк тарих, буюк давлат ва буюк маданият яратган халқмиз”, деб таъкидлади.

Бу гап туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи узоқ муддатли тарихи мобайнида эришган ютуқларининг бир мўъжаз ифодаси эди. Кўп қиррали ушбу буюк тарих ва маданиятнинг барча манбалари етарли даражада ўрганилиб, халққа кўрсатилмаган. Тадқиқотчилар аждодлар қолдирган илмий меросни янада кўпроқ ўрганиши, ушбу мероснинг янги ва ўзига хос жиҳатларини халққа етказиши зарур.

Халқимиз яратган буюк маданият асрлар оша такомил босқичларини босиб ўтиб, кенг кўламда ривожланган ва минтақа миқёсида бошқа халқлар маданияти билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказган ва ўз ўрнида таъсирланган ҳам...

Биринчи Шарқ Ренессансига Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ўз асарлари билан улкан ҳисса қўшган. Иккинчи Ренессанс даври эса Темурийлар Ренессанси аталиб, мазкур давр Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий каби мутафаккир ва олимларнинг ижоди, илмий фаолияти асосида гуллаб-яшнаган.



Айрим Ғарб олимлари эътирофига асосланиб дадил айтиш мумкинки, аждодларимиз ўз асарлари ва назариялари билан математика, тиббиёт ва география борасидаги изланишлари туфайли Европа Ренессанси учун жуда катта илмий пойдевор яратиб берган.

Халқимиз яратган мазкур тенгсиз маданият юксак тарих ва буюк давлатлар тарихий манбаларида ўз аксини топган бўлса ҳам етарли даражада ўрганилмаган ва барча қирралари очиб берилмаган.

Ўзбекистон Президенти жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлмиш ушбу йирик тамаддунни бошқа маданиятлар, айниқса, Ислом тамаддуни билан қўшиб ўрганиш мақсадида **“Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази”**га асос солгани эътиборга моликдир.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларидан бирида Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази ташкил этилишидан асосий мақсад халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Айни пайтда “Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази” Тошкентдаги Хастимом мажмуаси ҳудудида 7 гектарлик майдонда барпо этилмоқда. Марказ биносининг узунлиги 145 метр, эни эса 115 метрни ташкил этиб, бино уч қаватдан иборат бўлади. Бинонинг марказий гумбази баландлиги 64 метр.

Марказ биносининг биринчи қавати илмий-тадқиқот маркази, реставрация ва электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, 200 кишилик замонавий кафетерий, музейга кириш йўллари ва чиптахоналардан иборат бўлади.

Иккинчи қаватида мазмуни ва экспонатлар хилма-хиллиги бўйича бетакрор, мавзу йўналишлари бўйича шакллантирилган, энг замонавий технологиялар асосида намойиш этиладиган, ислом оламининг бебаҳо меросидан намуналар, турли ноёб экспонатларни ўз ичига олган, қарийб 15 минг квадрат метр кўргазма залига эга музей жойлашади. Музейнинг энг марказида, 50 метр баландликдаги гумбаз остида бутун ислом оламининг дурдонаси ҳисобланган “Усмон мусҳафи” ўрин олади.

Учинчи қаватда ислом дунёси тамаддунига оид қўлёзмалар ва уларнинг электрон кўринишини қамраб олган, шунингдек, барча турдаги замонавий даврий нашр манбаларига эга бўлган кутубхона жойлашади. Марказ юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тошбосма китоблар, тарихий далилу ҳужжатлар, дин ва маърифат мавзусидаги замонавий китоб ва нашр маҳсулотларининг энг йирик асл ҳамда электрон кўринишдаги маълумотлар базасига, 100 мингта қўлёзма фонди мавжуд бўлган кутубхонага эга бўлади.

Марказда қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқаларни энг замонавий усулларда реставрация қилиш, тиклаш, нусха олиш ва кўпайтириш бўлими фаолият юритиши мўлжалланган.

Шунингдек, ушбу масканда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиладиган 40 мингдан зиёд экспонатларни ўз ичига олган фондга эга музей ташкил этилади.

“Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази” давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгиланган. Марказ республика ҳудудида сақланаётган барча ёзма манбаларнинг давлат реестрини тузади ва доимий мониторингини юритади.



Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан биргаликда қадимий ёзма манбаларнинг консервацияси ва реставрацияси билан шуғулланаётган ходимларнинг мунтазам равишда касбий салоҳияти ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳа учун етук мутахассис кадрларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Марказда юртимиз ҳудудида сақланаётган қадимий ёзма манбалар аҳамиятига қараб, уларни таржима ва тадқиқ қилиш жадвали ишлаб чиқилиб, халқчил тилда босқичма-босқич нашр этиб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси марказ билан бирга давлат тасарруфида бўлган қадимий ёзма манбаларни марказ тасарруфига ўтказишни босқичма-босқич амалга оширади. Қадимий ёзма манбаларни харид қилиш ва давлат тасарруфига топшириш механизми ишлаб чиқилади. Жаҳон интернет тармоғида юртимиздан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти, маънавий мероси ҳақидаги илмий маърифий портал ва унинг мобиль иловаси ишга туширилади.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Қадимий ёзма манбалар консервация ва реставрацияси” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, “Матншунослик ва қадимий манбашунослик” таълим йўналиши мутахассислиги бўйича бакалавриат ва магистратура босқичлари учун зарур квоталар доимий ажратилади.

Жорий йилдан бошлаб соҳа бўйича илмий ходим ва реставраторларнинг ҳар йили хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш чоралари кўриб борилади. Хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курслари ва Китобат илми мактаби ташкил этилади.

Ўзбекистон Президенти қарорида “Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази”ни ислом дунёси миқёсида бир буюк тамаддун хазинаси, илм ва маърифат тарқатиш маскани даражасига кўтаришнинг кенг қамровли дастури жой олган.

Шу ўринда Ўзбекистон давлат раҳбарининг “Биз буюк тарих, буюк давлат ва буюк маданият яратган халқмиз”, деган мўъжаз ва ҳикматли сўзларини назарда тутган ҳолда, ушбу мавзу бўйича айрим фикр ва мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Олимларимиз туркий халқлар тарихининг туб моҳиятига етиб бориш учун қадимий ёзма ёдгорликлар, айниқса, Ўрхун-Энасой тошбитиклари, уйғур ёзувида ёзиб қолдирилган маълумотлар, шунингдек, Сўғд ва Хоразм ёзувларига кенг мурожаат қилишлари керак бўлади. Негаки, ҳар бир халқ тарихида ёзувнинг шаклланиши ижтимоий тараққиёт жараёнида унинг бир юксалиш босқичи кўрсаткичи бўлиб, унга тегишли бўлган маданиятни исботловчи фактдир. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари халқимиз ўтмиши, маданий ва маънавий ҳаётига оид жуда кўп фактларни ўз ичига олади. Ушбу ёзув Марказий Осиё ҳудудида ислом дини тарқалиши давригача етиб келган бўлса, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да, Алишер Навоий “Муншаот”да турк хати деб атаган уйғур ёзуви, темурийлар давлати, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигида ҳам давлат ишлари бўйича ишлатилар эди.

Тарихимизнинг иккинчи муҳим манбаи археологик қазилмалардир. Бу ёдгорликлар нафақат Ўзбекистон ва Мовароуннаҳр ҳудудида, балки Ўзбекистон тарихи ва маданиятига тегишли бўлган турли давлатлар, айниқса, кушонлар, эфталитлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар, салжуқийлар ва темурийлар давлатларига тегишли бўлган Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Хитой ҳудудларида топилган қазилмалардан иборат.

Юнон, хитой, арман ва ҳинд тарихчилари ёзган асарлар, айниқса, юнон ва хитой муаллифларидан қолган тарихий китоблар, саёҳатнома ва йилномаларда Ўзбекистон қадимий тарихига оид жуда кўп қимматли маълумотлар борлигини тадқиқотчилар эслатиб ўтган. Негаки, қадимий Турон ҳудудида тузилган кўп давлатлар, айниқса, Юнон ва Хитой давлатлари билан яқиндан иқтисодий ва маданий муносабатда бўлган.

Ислом дини тарқалгандан кейин араб, форс, урду тилларида ёзган муаррихлар, Ибн Баттута каби сайёҳлар, адиб ва адабиётшунослар ёзиб қолдирган сон-саноқсиз асарлар мавжудки, уларни ўрганмай туриб Мовароуннаҳр тарихи, ўзбек миллатининг кечмиши ва амалий ҳаётини тўлиқ ёритиш қийин бўлади.

Манбашуносликни кенгайтириш ва ривожлантириш учун айрим мусулмон мамлакатларда амалга оширилгани каби Ўзбекистонда ҳам тарих соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга, таржима босқичини ҳам ўтказиш фойдали бўларди. Бунда, аввало, бугунги кунда Янги Ўзбекистон кун сайин жаҳон миқёсида ҳурмат ва олқишга сазовор бўлиб келаётганини эътиборга олиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, тарих ва адабиётшунослик фанларини ривожлантириб, халқаро меъёрларга мослаштириш учун ўзбек миллати маданияти, тарихи ва ўтмишига тегишли манбаларни, жаҳон адабиётига оид йирик асарларни асл манбалардан таржима қилиб, ёш тадқиқотчилар, адиб ва шоирларга, умуман, халқ эътиборига ҳавола этиш зарурлигини сезамиз.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, ўзбек халқи яратган буюк маданият бизга етиб келган қадимий қимматли қўлёзмаларда ўз аксини топган. Ўзбекистон ушбу хазиналари билан жаҳон миқёсида етакчи ўринларда туради. Биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фондида минглаб асарлар мавжуд. Айримлари бир нечтадан бошлаб 20-30 жилдгача, балки ундан ҳам кўпроқ китоблар нусхаларини ўз ичига олади.

Масалан, Р 501 рақамда сақланаётган мужаллад Махдуми Аъзамнинг 26 тадан кўпроқ мустақил рисолаларини ўз ичига олган. Агар кутубхонадаги қўлёзмаларни мустақил нусхалар асосида ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур фондда араб, форс, турк тиллари ва бошқа шарқ тилларида ниҳоятда кўп ноёб қўлёзмалар мавжудлигини кўриш мумкин. Диний идора китоблар фонди, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси, Ислом академияси ва бошқа кўплаб шахсий архивларда минглаб қўлёзмалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Жумладан, шарқшунослик фондида Р 1386 рақамдаги “Мажмуа ул-васоиқ” (“Васиқалар тўплами”), Самарқанд маҳкамаси (суди)нинг XVI аср иккинчи ярмига тегишли бўлган 737 расмий ҳужжати сақланиб келмоқда. Улар XVI асрда ўзбек давлатчилигида суд тизими, унинг салоҳияти ва амалдаги қонунлари, шартномалар, ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, халқнинг турмуш даражаси, ишлатадиган пуллари, урф-одатлари, расму ривожларини англаб олиб, текшириш учун чексиз аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

Бу ўринда яна бир муҳим манбани эслатиб ўтиш лозим. У темурийлар давлатининг давомчиси бўлмиш бобурийлар давлатининг ҳуқуқий кодекси, араб тилида ёзилган “Фатовои Оламгирий” ёки “ал-Фатово-алҳинд” номли катта ҳажмли (6 томда нашр этилган) китобдир. Бу асар Аврангзеб Оламгир буйруғига биноан бир катта илмий ҳайъат орқали Шайх Низом раҳбарлигида тўрт жилд (3500 бет)да ёзилиб, мамлакат бўйлаб барча судлар учун ҳуқуқий кодекс сифатида қўлланиб келинган. Асарнинг 18 та нусхаси Шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд бўлиб, у бобурийлар давлатидаги суд тизимини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Манбашунослик бўйича Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашга оид Ўзбекистон Президенти қарорларида етарли йўлланмалар берилган. Ҳозирча айрим олий ўқув юртларида турли шарқ тиллари кафедралари мавжуд. Бу кафедраларда манбашунос ёш олимлар ўқитилаётган бўлса-да, уларнинг аксарияти замона талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди.

Талабалар мазкур тилларни илмий даражада ўрганиб, ўқиб ёзиш ва таржима қилиш малакасига эга бўлиши керак. Улар ҳар доим мутахассис устозлар раҳбарлигида қўлёзмалар фондида машғулот олиб бориб, матнларни ўқиб, уларни таҳлил қилиш, қиёсий шаклда ўрганиб танқидий ёндашиш ва таржима қилишни ўрганишлари зарур. Манбашунос кадрларни шарқу ғарб мамлакатлари қўлёзмалар фондларида малака ошириш ва тажриба алмашиш учун у ерларга юбориб туриш яхши натижалар беради.

Ўзбекистон кутубхоналарида тўпланган ва катта қисми ҳанузгача қўл теккизилмаган нодир қўлёзмалар ўзбек миллати, унинг тарихи ва давлатчилиги ҳақида кўп нарсаларни ўз саҳифаларида сақлаб келмоқда. Уларни ўқиб, тарихий воқеликларни белгилаб олиш, Ватан тарихини ёзиш учун бошланган ҳаракатни тезлаштириш керак. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, бир неча йил олдин араб, турк ва форс тилларида ёзилган 1013 нусха қўлёзма китобларнинг каталоги тарих фанлари номзоди Дилором Юсупова билан марҳума Раъно Жалилова ҳаммуаллифлигида нашрга тайёрланган эди.

Бу кутубхоналардаги китоблар каталогини нашр этиш изланувчилар ва китобхонлар учун катта ёрдам бериб, уларнинг ишини осонлаштиради. Агар бошқа қўлёзмалар фондлари ҳам ўзларидаги қимматли китоблар каталогини тайёрлаб нашр этсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Етук манбашунос кадрлар тарбиялаб, портал яратиш ва китобшунослик бўйича ихтисослашган журнал нашр этиш Янги Ўзбекистонда ушбу соҳа бўйича кўплаб малакали мутахассис олимлар ва муаррихларни етиштириш борасида қулай шароит яратиб беради. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, тарихимизни холис ва ҳаққоний ёритишда янги мактабга асос солиш учун муносиб замин тайёрлайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-964.
81594 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 22:20 Топширилди — 23:55